

## ДОКТОР ВАҲБА ЗУҲАЙЛИЙ ИЛМИЙ АСАРЛАРИ КЛАССИФИКАТСИЯСИ

**Ҳасанов Улуғбек Абдусалом ўғли**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

*“Исломушунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO кафедраси”  
таянч докторанти*

Доктор Ваҳба Зуҳайлий (1932-2015) йилларда яшаб ижод қилган уламолардан биридир. Шайх Ваҳба Зуҳайлий кўп соҳалар билимдони ҳисобланиб, жуда кўп илмий асарлар яратган. Улар жумласига, фикҳшунослик, қироатлар илми, калом илми, тасаввуф, тарих, таржима, адабиётшунослик соҳаларини киритишимиз мумкин.

Аллома ўзининг бетакрор, камёб тарзда ёзилган, ҳамда латиф ва мазмунли мулоҳазаларни ўз ичига қамраб олувчи асарларининг кўплиги билан ҳам шуҳрат қозонган. Уларнинг сони бир неча ўнликларни ташкил этади ва улар бир неча жилдлардан иборат китоблар ва кўплаб саҳифалар ҳамда рисоалардан иборат.<sup>61</sup>

Олимнинг тўпламларни ёзишдаги ўзига хос услуби шундаки, у барча асарлардаги бобларни қимматли маълумотлар ва муҳоҳасалар билан бойитган. Улар барча учун тушунарли, кўпчилик олимлар ижодида учрамайдиган йўналиш билан ёзилган бўлиб, ҳеч қандай мавҳум иборалар иштирокисиз амалга оширилган.<sup>62</sup>

Доктор Ваҳба Зуҳайлий илмда шундай юксак мартабага кўтарилдики, бу салоҳият унга айрим мазҳаб имомлари ортидан эргашиб мазҳаб имомлари тўғрисида нотўғри фикрда юрганлар қарашларига эътироз билдиришга, кескин раддиялар ёзишга ва имомларнинг шаънини ҳимоя қилишга ва ҳатто, инкор этилиш даражасига етган мазҳабларни ҳимоя қилди ва бу борада улкан жасорат кўрсатди.<sup>63</sup>

Доктор Ваҳба Зуҳайлийнинг ижоди ва фаолиятига теран назар соладиган бўлсак, у кўпроқ фикҳий асарлар ёзишга бағишланганлигини кўраемиз. Доктор Ваҳба Зуҳайлий ўз илмий фаолиятида араб тили ва адабиётига чуқур ҳурмат билан қараган ва ўз асарларини араб тилида ёзган.<sup>64</sup> Унинг асарлари илм-фаннинг кўпгина соҳаларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, уларнинг сони юздан ҳам ортиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Олим фикҳ, ҳадис, тафсир, қироат, усулул-фикҳ, калом илми, тасаввуф, тарих ва шу каби кўплаб соҳаларда ижод қилган ва асарлар яратган.

Доктор Ваҳба Зуҳайлийнинг асарлари нафислиги, фойдалилиги, қаноатбахшлиги, жуда осон ва енгил тилда ёзилганлиги, илмийлиги билан ажралиб туради. У киши исломий илмларнинг кўплаб соҳаларида ўзининг дурдона асарларини китобхонларга тақдим қилган.<sup>65</sup>

<sup>61</sup> Саййид Лаҳҳом. Уълама вал муфаккирун. – Байрут, Дорул кутуб, 2006 й. –Б. 45.

<sup>62</sup> Ваҳба Зуҳайлий. “Тафсир-ул-важийз аъла ҳамиш-ил-Қуръан-ил-Аъзим”. – Байрут, Дорул кутуб, 2006 й. –Б. 14.

<sup>63</sup> Саййид Лаҳҳом. Уълама вал муфаккирун. – Байрут, Дорул кутуб, 2006 й. –Б. 47.

<sup>64</sup> Шайх Ваҳба Зуҳайлий ҳазратлари 150дан зиёд китоблари, 1000дан ортиқ илмий мақола ва чиқишларини араб тилида ёзган.

<sup>65</sup> Аш-Шавканий. Ал-Бадр ат-толеъ.– Қаҳира: Дор ал-кутуб ал-ислабий, 1909.– Б. 89.

Шайх Ваҳба Зухайлийнинг турли илмларга оид асарларини классификация қилинган ҳолатини қуйида келтириб ўтамиз:

**Тафсир илмига оид асарлари:**

“Тафсурул Мунир фил ақийда ваш шаръийа вал минҳаж”.

Бу асар 16 жилд ҳолида 1991-йилда “Фикр” нашриётида чоп этилган. Бу тафсир бугунгача етти марта нашр этилган. Бир неча тилларга, жумладан, турк, форс, малай, урду ва француз тилларига таржима қилинган.

“Ал-Важиз фи усулил фикҳ”. Бу асар Ливияда 1991-йилда чоп этилган. Ушбу китоб турк тилига таржима қилинган.

“Қиссатул Қуръонийа ҳидаё вал байан”. Ливияда 1992-йилда “Хайр” нашриётида чоп этилган.

“Қуръани Карим, буняти ташрийъи ва ҳасаиси ҳазарийа”. Бу асар инглиз ва француз тилига таржима қилинган. 1992-йилда “Фикр” нашриётида чоп этилган.

“Ал-Ижазил илми фил Қуръанил карийм”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Айямийтул Қуръанил Карийм”. 2000-йилда чоп этилган.

“Қироъату муасира фил ҳадисин набавий”. 2000-йилда чоп этилган.

**Фикҳ илмига оид асарлари:** “Осорул ҳарб фи фикҳил исламий”.

Бу китоб қиёсий таҳлили қилинган асар бўлиб, француз тилига таржима қилинган. Шомда “Ҳадис” нашриётида милодий 1963-йил(ҳижрий 1382-йил)да чоп этилган. Бу асар тўрт марта “Фикр” нашриётида нашр этилган.

“Ал-Васит фи усулул фикҳ”. Шом университети нашриётида милодий 1966-йилда нашр этилган.

“Ал-Фикҳул ислами фи услубихил жадид”. Бу икки жилдлик асар 1966-1967 йилларда Шомдаги “Ҳадис” нашриётида чоп этилган.

“Назариййоти зоруротиш шаръийа”. Бу асар қиёсий таҳлил қилинган бўлиб, Шомдаги “Фаробий” нашриётида 1969-йилда чоп этилган. Бугунгача етти марта нашр этилган.

“Назариййоти зимон ал-аҳкомул масъулиййатил маданиййати вал жаноййа фил фикҳил исламий”. Бу асар Шомдаги “Фикр” нашриётида 1970-йилда чоп этилган. Бугунгача тўрт марта нашр этилган.

“Ал-Алақаат дувалиййа фил ислам”. Бу рисолада ислом аҳкомлари давлат қонунлари билан қиёслаб чиқилган. Байрутда 1981-йилда “Рисола” нашриётида чоп этилган.

“Исломий фикҳ ва унинг далиллари”. Бу асар 1984-йили саккиз жилд ҳолида Шомдаги “Фикр” нашриётида чоп этилган. Бугунгача йигирма уч марта нашр этилган.

Шу билан бирга ушбу асар турк, малай, инглиз, урду каби бир неча тилларга таржима қилинган.

“Усулул фикҳил исламий”. Бу асар 1986-йили икки жилд ҳолида Шомдаги “Фикр” нашриётида чоп этилган. Бугунгача уч марта нашр этилган.

- “Жухуд такнин ал-фикҳил ислабий”. 1987-йилда Байрутдаги “Рисола” нашриётида чоп этилган.
- “Фикҳул мавариси фи шаръиатил ислабий”. Бу асарни профессор Муҳаммад Рафъат Усманий ва профессор Рамазон Шаранбоший билан ҳаммуаллифликда ёзган. Шомдаги “Фикр” нашриётида 1987-йилда чоп этилган.
- “Ал-Уқубатуш шаръийа ва асбабиҳа”. Бу асарни профессор Рамазон Шаранбоший билан ҳаммуаллифликда ёзган. 1987-йили Дубайда “Қалам” нашриётида чоп этилган.
- “Ал-Васайа вал вақфиф фил ислабий”. Шомдаги “Фикр” нашриётида 1987-йилда чоп этилган. Бундан кейин яна икки марта нашр этилган.
- “Аҳкомул ибадат”. Бу китоб Бирлашган Араб Амрликлари университетининг шарийат факультетида дарслик китоби сифатида ўқитилган. 1988-йил “Қалам” нашриётида чоп этилган.
- “Ислому дийнил жиҳад ла удван”. Ливия, Тароблусда халқаро исломий даъват журналида 1990-йилда чоп этилган.
- “Ислам дийнил шуро ва димукратийа”. 1992-йилда нашр этилган.
- “Фикҳул ибадат аъла мазҳабил маликий”. 1990-йилда нашр этилган.
- “Аз-Зиваж ват талақ аъла мазҳабил маликийа”. 1991-йилда нашр этилган.
- “Муъамалот малийа аъла мазҳабил маликийа”. 1991-йилда нашр этилган.
- “Шарийа ҳуқукул инсан фил ислам”. Шомда милодий 1992-йилда “Хайр” нашриётида чоп этилган.
- “Рухсати шаръийа аҳкамӯҳа ва давабитӯҳа”. 1993-йилда “Хайр” нашриётида чоп этилган.
- “Ислам вал ийман вал ихсан”. 1993-йилда “Хайр” нашриётида чоп этилган.
- “Давлатул ислабийа ва ғойри муслимин”. 1995-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.
- “Ҳасасил кубро ли ҳуқуқил инсон фил ислам”. 1995-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.
- “Масъулийати нашийа ан ашйаа вал алаат”. 1995-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.
- “ал-Улум аш-шаръийа байнал ваҳда вал истиқлал”. 1996-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.
- “Ислам ват таҳтийатил аср”. 1996-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.
- “Ал-Усул вал масадирил ижтиҳадийал муштарика байнас сунна ваш шиа”. 1996-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.
- “Ал-Муфавидат фил ислам”. 1996-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.
- “Ал-Ижтиҳадил фикҳил ҳадис”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.
- “Нуқотул илтиқо байнал мазҳабил ислабийа”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.
- “Рубъати ижтиҳадийа фил масаил фил фикҳийатил муасира лил вақиф”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Ал-Урф вал ада”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Аҳкамун маваадун нажиса вал муҳаррама фил ғаза вад дава”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Ан-низамил иқтисади ва мада иртибахатил исламиййа”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Аҳкамун таъамул маъал масарифил исламиййа”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Тамвил ва суғул аврақин накдиййа”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Байъул аҳсам”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Сувар мин урудун тижаратил муасира ва аҳкамун закат”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Ал-Мазҳабун шафиъий ва мазаҳибил васати байнал мазҳабил исламиййа”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Байъид дийн фиш шарийъатил исламиййа”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Фикҳус суннатун набавиййа”. 1997-йилда чоп этилган.

“Манаҳижил ижтиҳад фил мазаҳибил мухталифа”. 1997-йилда чоп этилган.

“Байъут тақсид”. 1997-йилда чоп этилган.

“Ал-Амнун ғазаи фил ислам”. 1997-йилда чоп этилган.

“Ад-Дийн ва тафалиҳи маъал ҳайат”. 1997-йилда чоп этилган.

“Ҳукмун мусаннифатил фанниййа”. 1997-йилда чоп этилган.

“Ал-Фикҳул ҳанбалил муйассар”. Бу асар тўрт жилд ҳолида 1998-йилда “Калом” нашриётида чоп этилган.

“Идаратил вақфил хойрий”. 1998-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Асбаб ихтилаф ва жиҳадин назарил фикҳиййа”. 1998-йилда чоп этилган.

“Закатул малуълам”. 2000-йилда чоп этилган.

“Усулун фикҳ ва мадарисил баъс фикҳи”. 2000- чоп этилган.

“Тадбиқиш шарийъатил исламиййа”. 2000-йилда чоп этилган.

“Ҳукмун ижраил уғуд би васайил иттисалил муасира”. 2000-йилда чоп этилган.

“Ал-Баъсу аълал уғуд фил фикҳил ислами ва усулиҳи”. 2000-йилда чоп этилган.

“Аҳкамун харб фил ислам ва ҳасаисихал инсаниййа”. 2000-йилда чоп этилган. Бу китоб француз тилига таржима қилинган.

“Ал-Фикҳул маликил муйассар”. Бу асар 1999-йилда “Калимат тойиб” нашриётида чоп этилган.

“Аз-Зарайсу фис сийасату вал фикҳул ислами”. 1999-йилда чоп этилган.

#### **Ақоид илмига оид асарлари:**

“Низомил ислами ал-ақийдатил исламиййа вал аъламил арабий ва низамил ҳукмун вал аълақатид дувалиййа фил ислам ва мушкилотил исламил муъасира”.

Ливияда Мингғозий университетиде милодий 1970-йилда чоп этилган. Кейин Шомдаги “Қутайба” нашриётида бугунгача уч марта нашр этилган.

“Ал-Усулул ʔамма ли ваҳдатид дийнил ҳақ”. Бу асар инглиз тилига таржима қилинган.

“Ал-Уқубатуш шарʔиййа вал ақдиййа ваш шаҳадаат”. 1991-йилда нашр этилган.

“Ал-илму вал ийман ва ғозойаш шабаб”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

Ислом тарихига оид асарлари “Саъид ибн Мусаййаб”.

Шомдаги “Калом” нашриётида 1974-йилда “Улуғларнинг шахсий ҳаётлари таҳлили” номли тўпلامда чоп этилган. Бугунгача тўрт марта нашр этилган.

“Убода ибн Сомит”. Шомдаги “Калом” нашриётида 1974-йилда “Улуғларнинг шахсий ҳаётлари таҳлили” номли тўпلامда чоп этилган.

“Умар ибн Абдулазиз”. Шомдаги “Калом” нашриётида 1974-йилда “Улуғларнинг шахсий ҳаётлари таҳлили” номли тўпلامда чоп этилган.

“Усома ибн Зайд ҳиббу росулиллаҳи соллАллоҳу алайҳи васаллам ва ибни ҳиббиҳи”. Шомдаги “Калом” нашриётида “Улуғларнинг шахсий ҳаётлари таҳлили” номли тўпلامда чоп этилган.

“Ал-Уқутул мусаммот”. Бу китоб араб амирликлари маданияти ижтимоий қонунлари ва Урдун маданияти қонунлари ҳақида. Шомдаги “Фикр” нашриётида чоп этилган. Бугунгача уч марта нашр этилган.

“Муважиҳатул ғозий вас сағафис саҳйуну вал ажнабий”. 1996-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Тақлиду фил мазҳабил исламиййа индас сунна ваш шиа”. 1996-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Ал-Мужаддид Жамолиддин Афғоний ва истилаҳати фил аламил исламий”. 1998-йилда чоп этилган.

#### **Турли илмларга оид асарлари:**

“Хитобатуз зимон”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Ал-Амвалиллатий йасуҳху вақфиҳа ва кайфияти сарфиҳа”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Ал-Имамис Суютий”. 1997-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Ас-Суннатун набавиййатуш шарифа”. 1997-йилда чоп этилган.

“Ғодиййатил аҳдас фил қорнил ҳади вал ишрун”. 1998-йилда чоп этилган.

“Ал-Муслимун фил қарнил ҳади вал ишрун”. 1998-йилда чоп этилган.

“Ал-Ибро минад дийн”. 1998-йилда чоп этилган.

“Ал-Ислам ва ғойрил муслимийн”. 1998-йилда чоп этилган.

“Ал-мазаҳибул исламиййатил хомса”. 1998-йилда чоп этилган. Бу асар доктор Абдулҳодий Фазлий, профессор Муҳаммад Вафориш, профессор Муҳаммад Сакҳал Жазоирий, доктор Усома Ҳамвий билан бирга ҳаммуаллифликда ёзилган.

“Тағйирил ижтиҳад”. 2000-йилда “Мактаба” нашриётида чоп этилган.

“Ижтиҳадит табиъийн”. 2000-йилда чоп этилган. Бу китоб француз тилига таржима қилинган.

“Ал-Масадира ват тамим”. 2000-йилда чоп этилган.

“Ал-Бадаул мункира”. 2000-йилда чоп этилган.

“Ал-Буйуъ ва асариҳал ижтимаиййатил муасира”. 1999-йилда чоп этилган.

“Байбул арбун”. 2000-йилда чоп этилган.

“Аъидил истисмар”. 2000-йилда чоп этилган.

“Низам таъаззуз завжат”. 2000-йилда чоп этилган.

“Ал-Муҳаррамат ва асариҳас ссаййиатул аълал мужтамиъ”. 2000-йилда чоп этилган.

“Зикруллоҳи таъала”. 1999-йилда чоп этилган.

“Ас-Сафофа вал фикр”. 2000-йилда чоп этилган.

Шайх Ваҳба Зухайлий роҳматуллоҳи алайҳининг бундан бошқа яна ўттиздан зиёд энциклопедик ва илмий асарлари бор.<sup>66</sup>

---

<sup>66</sup>Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Улумул Куръон”. – Тошкент. “Хилол Нашр” нашриёт-матбааси, 2015 й. –Б. 483.